

Насабларга тил теккизиш



16:20 / 19 май 811

Жоҳилий кишилар ўз ҳасаби ила фахрланиш билан бирга, ўзгаларнинг насабига тил теккизадилар. Уларнинг насаблари ҳалол-пок насаб эканлигини шубҳа остига қўйишга, ўзларига ёқмаган кишиларни «таги паст»ликда айблашга уринадилар. Жоҳилият аҳлининг бундай қилишини тушунса бўлади. Лекин Ислом аҳлидан бу иш содир бўлса, нима дейиш мумкин?! Кишиларнинг насабига тил теккизиш катта гуноҳdir. Буни ҳар бир мусулмон асло унутмаслиги лозим.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби 7-жузи асосида тайёрланди